*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 50 (6940). | 14 март, 1979 йил | ЧОРШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

## БИНОКОР БУРЧИ

**Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бутун мамлакатимиздаги каби областимизда ҳам капитал қурилиши кўламини кенгайтириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Сўнгги вақтларда капитал қурилиши учун ҳар йили ўртача миллиард сўм атрофида маблағ сарфланаётганлиги бунинг ёрқин далилидир. Биргина ўтган йили давлат, колхозлар ҳамда уй-жой кооператив қурилиши маблағлари ҳисобига 1073 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми эса 660 миллион сўмликдан кўпроқни ташкил этди.**

**В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводида янги қурилишлар, реконструкция ва кенгайтириш ҳисобига пўлат ишлаб чиқариш қувватлари кескин ортди. Олмалиқ химия заводининг учинчи навбати нормативда белгиланган муддатдан бир йил илгари фойдаланишга топширилди. Ўнлаб корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, янгиларини ўзлаштириш учун қўшимча цехлар ва участкалар барпо этилди. Умумий майдони 1152,8 минг квадрат метрли янги уй-жойлар, кўплаб маданий-маиший муассасалар қурилди. Қишлоқ қурилиши миқёслари тобора кенгайиб бормоқда.**

**Областимиздаги қатор етакчи қурилиш ташкилотлари коллективлари бунёдкорлик ишларида юксак суръат ва сифатга эришмоқдалар, меҳнат унумдорлигининг муттасил ошишини таъминламоқдалар. Биринчи уйсозлик комбинати, «Висотстрой», «Ўзбекшахтастрой», «Алмаликсвинецстрой», «Узпромвентиляция», «Узсельтранспецстрой» трестлари бинокорларининг меҳнат зафарлари қувончли бўлмоқда. Улар 1978 йил Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунлари бўйича голиб чиқдилар ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларини олишга муяссар бўлдилар.**

**Ўниичи беш йилликнинг тўртинчи йилида бинокорларимиз олдида янада улкан ва мураккаб вазифалар турибди. Шуни айтиш кифоякн, йил давомида бир миллиард уч юз миллион сўмлик ҳажмида капитал маблағ ўзлаштирилиши назарда тутилган. Кўпгина муҳим халқ хўжалик объектлари қурилиши ва ишга туширилиши лозим. Чирчиқда капролактам ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилиши, Олмалиқ химия заводининг иккинчи навбати реконструкция қилиниши, «Ташсельмаш», Тошкентдаги резина-техника буюмлари заводлари ва қатор бошқа корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари оширилиши зарур.**

**Катта ҳажмдаги капитал қурилиш программасини муваффақиятли амалга ошириш бу соҳада эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, тўпланган бой тажрибани, илғор коллективларнинг муваффақиятлари омилларини кенг оммалаштириш, йўл қўйилган камчиликлар ва уларнинг содир бўлишига олиб келган сабабларни аниқлаб, бундан кейин такрорланмаслигини таъминлаш талаб этилади.**

**Аввало, шуни таъкидлаш керакки, капитал қурилишида эришилаётган марралар ҳали ўниичи беш йиллик планида назарда тутилган кўрсаткичлардан орқада қолаяпти. Кўпгина шаҳарлар, районлар, бинокорлик ташкилотлари коллективлари капитал қурилиши планларини бажаришнинг уддасидан чиқишмаяпти. «Узбекметаллургстрой», «Промжилводстрой», 6-қурилиш трестлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Эллиқдан ортиқ давлат бошланғич пудрат ташкилотлари ўз кучлари билан пудрат ишлари планини бажармади. Меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштиришда оқсаётган қурилиш ташкилотлари сони янада кўпдир.**

**Тажрибада ўзини оқлаган бригада пудрати прогрессив усули барча бинокорлик ташкилотларида ҳам лозим даражада жорий қилинмаяпти. Бу усул капитал қурилишни яхшилашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилишини ҳамма жойда тўла тушуниб етишмаганга ўхшайди. Тўғри, ҳозирги вақтда областимиздаги бригадаларнинг 20 проценти Николай Злобин методи асосида ишлаб, катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини амалга оширмоқда, бунёдкорлик ишларининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ортишига самарали ёрдам беряпти. Лекин, бу етарли эмас, бу илғор усулни қўлланишни бутун чоралар билан кенгайтириш талаб этилади.**

**Капитал қурилиш манфаатлари уни планлаштиришдаги чалкашликларни, эски тартибни бартараф этишни тақозо этади. Кўпинча планлар бинокорлик ташкилотлари имкониятларини, мавжуд шароитни ҳисобга олмасдан тузилади. Айниқса, ишлаб чиқариш объектлари, уй-жойлар ва бошқа ншоотларни ишга тушириш муддатлари йил кварталлари бўйича бир маромда белгиланмайди. Масалан, ўтган йил планида ишга тушириш лозим бўлган 70 та муҳим объектнинг фақатгина учтасини биринчи кварталда қуриб битказиш, тўртинчи кварталда эса 42 тасини ёки 60 процентини фойдаланишга топшириш назарда тутилган эди. Бу йил охирига келиб қурилишда штурмчиликни авж олдирди, натижада бу объектларнинг кўпчилиги битмай қолди. Айрим қурилганларнинг сифати ҳам кўнгилдагидек бўлмади.**

**Қурилиш ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришдаги сусткашлик, бинокорлик машина-механизмларидан самарали фойдаланмаслик, қимматли иш вақтининг фойдасиз йўқотилиши, объектларни қурилиш материаллари ва техника воситалари билан етарли таъминламаслик, ишчи кучи қўнимсизлигининг жуда секинлик билан камайиши, капитал маблағ ва ишчи кучини кўпдан-кўп объектлар қурилишига сочиб юборишдек эски иш методининг ҳамон давом этиши ҳам капитал қурилиши суръати ва сифатига салбий таъсир қилмоқда. Бинокорлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантириш системасини доим такомиллаштириб бориш лозим.**

**Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари капитал қурилиш масалаларини доим диққат-эътибор марказида тутишлари, уни назоратдан четда қолдирмасликлари, мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун зарур чоралар кўришлари керак.**

**Бу йил ишга туширилиши лозим бўлган барча объектларни қуриб битказиш, уларнинг сифатли бунёд этилишига эришиш, ўз фаолиятларининг техника-иқтисодий кўрсаткичлари тўхтовсиз ошишини таъминлаш, бу билан ўниичи беш йилликнинг тўртинчи йили учун белгиланган соцнал-иқтисодий юксалиш программасини, КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшиш бинокорларнинг муқаддас бурчидир.**

## ҚЎРИҚ ВА БЎЗ ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШДА ҚАТНАШГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТЧИЛАРИГА, ОЛИМЛАР ВА МУТАХАССИСЛАРГА, ПАРТИЯ, СОВЕТ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ХОДИМЛАРИГА, БАРЧА КИШИЛАРГА

**Азиз ўртоқлар, дўстлар!**

**Бундан чорак аср муқаддам партия ва халқнинг иродаси билан Қозоғистон, Сибирь, Урал, Поволжье ва бошқа районларнинг жуда катта дашт кенгликларида қахрамонона қўриқ эпопеяси авж олдирилган эди. 42 миллион гектар, шу жумладан Қозоғистонда 25 миллион гектар қўриқ ва бўз ерларнинг очилганлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчи кучларини, бутун экономикани ривожлантириш учун қудратли мадад бўлди. Илгари ҳувиллаб ётган ерлар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бу ерларда яхши таъминланган минглаб совхоз ва колхозлар тузилди. Янги шаҳарлар ва посёлкалар, заводлар ва фабрикалар, янги илмий марказлар барпо этилди. Ҳозирги вақтда қўриқ—Совет Иттифоқининг бош ғалла конларидандир.**

**Минг-минглаб совет кишиларининг таржимаи ҳолига қўриқ ёрқин саҳифа бўлиб кирди. Шонли юбилей—қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилишининг 25 йиллиги кунида қўриқни очишда қатнашган кишиларнинг ҳаммасини, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини, олимлар, мутахассислари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини қизғин ва сидқидилдан табриклайман. Дастлабки чўлқуварлар совет кишиларининг юксак ахлоқий фазилатларини намойиш қилдилар, улар ҳақли суратда Ватанга, коммунистик қурилиш ишига астойдил хизмат қилиш намунаси бўлиб қолдилар. Ана шу ажойиб анъаналарни чўлқуварларнинг янги авлодлари кўпайтирмоқдалар.**

**Қўриқ ер тобора кучга тўлмоқда. Кўпгина ишлар қилинди. Лекин олдинда илҳомбахш истиқбол турибди. Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумида ишлаб чиқилган программасида дон, гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда қўриқ районларининг катта роль ўйнаши кўзда тутилган.**

**Чўлқуварлар 1979 йил учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ва совхозлар, хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда мутахассисларнинг, коммунистлар, комсомолларнинг, барча қишлоқ меҳнатчиларининг асосий эътибори ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаш, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини, уларнинг ялпи ҳосилини янада кўпайтириш учун мавжуд резерв ва имкониятлардан тобора актив фойдаланишга, чорвачиликни жадал ривожлантиришга, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун сафарбар қилишга қаратилиши лозим. Давлат манфаатлари, бутун совет халқининг манфаатлари шуни тақозо этади.**

**Қозоғистон, Сибирь, Урал, Поволжье, барча қўриқ районларнинг меҳнаткашлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорларини бажариш учун янада зўр активлик ва сабот билан курашадилар ҳамда ленинча аграр сиёсатни амалга оширишда янги-янги катта муваффақиятларни қўлга киритадилар, деб қатъий ишонч билдираман.**

**Азиз ўртоқлар, сизларнинг ҳаммангизга сиҳат саломатлик, бахт-саодат, севикли ватанимиз фаровонлиги йўлида янги меҳнат зафарлари тилайман.**

**Л. БРЕЖНЕВ.**

## ЧЎЛҚУВАРЛАР ЖАСОРАТИ ШАРАФИГА





Суратда: эсдалик медали кўринишлари. ТАСС фотохроникаси.

Қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштира бошланганининг 25 йиллигини нишонлаш юзасидан чўлқуварларнинг жасорати шарафига столга қўйиладиган эсдалик медаль таъсис этилди.

Медаль рангли металлдан диаметри 60 миллиметрли доира шаклида тайёрланган. Унинг ўнг томонида ғаллазордаги комбайн, уфқда-элеватор, обод даштни кесиб ўтган электр линияси тасвирланган. Медалнинг тескарисига «Қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштира бошланганининг 25 йиллигини нишонлаш юзасидан» деган сўзлар ва «1954—1979» санаси ёзилган.

Медалнинг тескари томонида СССР герби тасвирланган. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши совет халқи бунёдкорлик меҳнати йилномасидаги энг ёрқин саҳифаларнинг биридир» деган сўзлари ёзилган.

Эсдалик медаль янги ерларни ўзлаштиришга энг кўп ҳисса қўшган республикалар, ўлкалар, областлар, шаҳарлар ва районларнинг партия, совет, касаба союз ва комсомол органларига, совхоз ва колхозларга, саноат корхоналарининг коллективларига топширилади. (ТАСС).

## ДЎСТОНА ВИЗИТ БИЛАН

Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Эдвард Герек КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан 12 март куни дўстлик визити билан Москвага келди.

ПХР ва СССРнинг давлат байроқлари билан безатилган Шереметьево аэродромида Э. Герекни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси Б. П. Бугаев, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси А. И. Блатов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида ПХРнинг СССРдаги элчиси К. Ольшевски бор эди.

(ТАСС).

## *ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ТОПШИРИЛДИ*

**ЧИРЧИҚ. (Тошкент области), 13 март. (ЎзТАГ).** Республика социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги ва 1978 йилда халқ хўжалик планини муваффақиятли бажарганлиги учун Чирчиқдаги «Ўзбекхиммаш» заводи коллективига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди. Бугун заводда тантанали йиғилишда бўлди. Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов юксак мукофотни машинасозларга топширди.

## ДОИМИЙ КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Область партия комитетининг саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни ошириш суръатлари бўйича ўниичи беш йиллик топшириқларини бажариш билан шуғулланувчи доимий комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда область партия комитетининг секретари Ф. Г. Потуремский раислик қилди.

Комиссия Олмалиқ ва Бекобод шаҳарлари, Оққўрғон ва Оҳангарон районлари саноат корхоналари коллективларининг план кўрсаткичларини бажаришни таъминлаш бўйича март ойининг биринчи ўн кунлигидаги ишлари якунларини муҳокама қилди. Мажлисда Бекобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари О. С. Иброҳимов, Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари Э. Ҳатамов, Оҳангарон район партия комитетининг иккинчи секретари Ю. А. Савилов, Олмалиқ шаҳар партия комитети саноат бўлимининг мудири В. П. Перевозчиков ҳисобот бердилар.

Шунингдек, комиссия саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг беш йилликка белгиланган суръатларини таъминлаш юзасидан Ангрен шаҳар партия комитетининг иши ҳақидаги ҳисоботни ҳам тинглади. Бу масала бўйича шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орифжонов ҳисоб берди.

Комиссиянинг биринчи ярим йиллик учун иш плани тасдиқланди.

Комиссия мажлислари ҳар ўн кунда бир марта ўтказиб турилади.

## САМИМИЙ УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 13 март куни ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Герек билан учрашди. Э. Герек дўстона визит билан Москвага келган эди.

Учрашув қатнашчилари иккала қардош партиянинг кейинги вақтлардаги фаолияти якунлари тўғрисида, улар ҳозир ҳал этиш устида ишлаётган вазифалар ҳақида бир-бирларига ахборот бердилар.

Л. И. Брежнев ва Э. Герек ўртоқлар Совет Иттифоқи билан Польша ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликнинг ривожидан мамнуният изҳор қилиб, КПСС билан ПБИП партия, давлат ва жамоат йўллари билан алоқаларни бундан бу ён ҳам кучайтиришга, маданий ҳамкорликни ва кишилар ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришга, совет ва поляк халқларининг дўстлигини мустаҳкамлашга интилаётганликларини таъкидлаб ўтдилар.

Учрашувда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ва икки томонлама асосда интеграция тадбирлари самарадорлигини янада оширишга катта эътибор берилди. Бўлғуси беш йилликда СССР билан ПХР иқтисодий потенциалининг тез ўсиши катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган қўшма лойиҳалар учун янги имкониятларни очиб беради. Машинасозликда, химияда ва саноатнинг бошқа етакчи тармоқларида кооперациялаш ва ихтисослашни чуқурлаштириш, енгил саноат маҳсулотлари айирбошлашни кенгайтириш муҳим роль ўйнаши лозим.

Л. И. Брежнев ва Э. Герек ўртоқлар халқаро вазиятнинг актуал масалаларини кўриб чиқиб, СССР ва Польша Вьетнам халқининг ҳаққоний ишига барча зарур мададни беришга қаттиқ аҳд қилганликларини таъкидладилар. Ялпи тинчлик манфаатлари Хитой қўшинларининг ВСР территориясидан батамом олиб чиқиб кетилишини, Пекин раҳбарларининг Вьетнам ва бошқа давлатлар территориал бутунлиги ва мустақиллигига ҳар қандай тажовузлардан воз кечишини тақозо этади. Бировлар ўз қўшинларини «жазолаш» баҳонаси билан қуролли агрессия қилиш ҳуқуқини ўзлаштириб олишларига, ўзларининг гегемончилик даъволарига ўт ва қурол билан йўл очишларига халқлар тоқат қилолмайдилар.

Л. И. Брежнев ва Э. Герек ўртоқлар Кампучия революцион кучларининг Миллий Нажот Бирлашган фронти раҳбарлигида эришган ғалабасини табрикладилар. Бу ғалаба маочилар «казарма коммунизми» доктринасининг яна бир катта мағлубияти бўлди, бу ғалаба халқларнинг эркинлик учун, ўзларига реакцион режимларнинг зўрлаб тиқиштириш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши курашга астойдил аҳд қилганликларидан далолат беради.

Учрашув қатнашчилари шуни таъкидладиларки, кейинги вақтларда воқеаларнинг ривожи халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш, уни бутун дунёга ёйиш учун изчил ва сабот билан курашиш зарурлигини яна кучайтирди. Шу йўл билан намойиш қилди. Шу йўл билангина уруш хавфига ишончли тўсиқлар қўйилиши, можароларни сиёсий воситалар билан ҳал этиш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келтирилиши мумкин. СССР ва Польша социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан бирга ана шу муҳим вазифаларни ҳал этишга ўзининг конструктив ҳиссасини қўшиб келдилар ва бундан буён ҳам қўшаверадилар.

Л. И. Брежневнинг Э. Герек билан учрашуви самимий ва муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).



Суратда: суҳбат пайти. В. Мусаэльян ва Э. Песов фотоси. (ТАСС).

## ҲИНДИСТОН ДИЁРИДАГИ УЧРАШУВЛАР

**БАНГАЛОР, 13 март. (ТАСС).** СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигиннинг мамлакат бўйлаб сафари давом этмоқда.

Карнатака штатининг губернатори Г. Нарайан Совет Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмон шарафига кеча зиёфат берди. У ўзининг табрик нутқида Ҳиндистон билан СССР ўртасидаги муносабатлар кун сайин чуқурлашиб, мустаҳкамланиб бораётганлигини таъкидлади. 1971 йилда иккала мамлакат ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг тузилганлигини ва Леонид Ильич Брежневнинг 1973 йилда Ҳиндистонга қилган визитини губернатор Ҳиндистон—Совет дўстлигини ривожлантиришдаги катта босқичлар деб атади.

Бугун А. Н. Косигин Бангалор шаҳрининг саноат корхоналари ва илмий-тадқиқот муассасалари билан танишди. У «Ҳиндустан Мэшин Тулз» Фирмасининг станоксозлик заводини бориб кўрди, Ҳиндистон космик тадқиқотлар ташкилоти илмий марказида бўлди.

А. Н. Косигин Бангалорда яшовчи рассом С. Н. Рерих билан самимий учрашди.

## ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республиканинг барча маккажўхорикорларига Очиқ хат билан мурожаат қилган илғор маккажўхорикорлик бригадаларининг раҳбарлари ташаббусини маъқуллади. Хатда Ўзбекистон ёш маккажўхорикорларининг 1973 йилда бўлиб ўтган слёти қатнашчиларига қарата айтилган КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг руҳлантирувчи сўзларидан сўнг республика колхоз ва совхозларида қаҳрабо дондан рекорд ҳосил олиш учун кураш кенг авж олиб кетганлиги таъкидланади. Утган йили республика деҳқончилик тарихида биринчи маротаба маккажўхоридан олинган дон ҳосили 1 миллион тоннадан ортиб кетди.

Илғор маккажўхорикорлик бригадаларининг раҳбарлари ўз хатларида республика барча маккажўхорикорларини 1979 йилда мўл ҳосил олиш учун мусобақани кенг кўламда авж олдиришга ва ана шу асосда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маккажўхори ялпи дон ҳосилини 1,3—1,4 миллион тоннага етказиш юзасидан қўйилган вазифани муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшишга даъват этдилар.

Область партия комитети қайд қиладики, партия, совет, касаба союзлари, комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги органлари, областимиз колхоз ва совхозлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини бажара бориб, беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида дон етиштиришни кескин кўпайтиришни таъмин этдилар. Утган йили область хўжаликларида 261,1 минг тонна, яъни 1975 йилдагига нисбатан 142,1 минг тонна кўп дон етиштирилди. Дон етиштиришнинг умумий салмоғига нисбатан маккажўхори дони 41 процентни ташкил этди. Областда ғалла етиштириш бўйича беш йилликнинг учинчи йили учун олинган плзн 124,5 процент, шу жумладан маккажўхори бўйича 137,1 процент бажарилди.

Ялпи дон ҳосили етиштиришни кўпайтиришга энг биринчи навбатда маккажўхори экини майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш туфайли эришилди. Утган йили областда бу экин учун 14,8 минг гектар, яъни 1975 йилдагига қараганда 5,6 минг гектар кўп суғориладиган ер ажратилди. Ҳар гектаридан олинган ҳосил 72 центнерга тўғри келди. Бошқача қилиб айтганда ана шу ўтган давр ичида ҳосилдорлик 19,4 центнерга кўтарилди.

Ғалаба ва Калинин районларининг хўжаликлари маккажўхоридан мўл ҳосил олиб келмоқдалар.

Гектаридан 100 центнер ва ундан ҳам ошириб маккажўхори дон ҳосили олиш ташаббуси билан чиқаётган комсомол-ёшлар бошлиқ бригадаларнинг сафи йил сайин кенгайиб бормоқда.

Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз, Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз, Ғалаба районидаги Ҳамза номли, Димитров номли колхозлар, Киров номли ўқув хўжалиги маккажўхорикорлари ўтган йили ҳар гектаридан 100 центнер ва ундан ошириб ҳосил олдилар. Областдаги 14 та маккажўхорикорлик бригадасида гектаридан 100—125 центнердан хирмон кўтарилди.

Лекин шу билан бирга областдаги айрим районлар, колхозлар ва совхозларда маккажўхори дон ҳосилни етиштиришни кўпайтиришга ҳали ҳам етарли эътибор берилмаяпти. Коммунистик ва Ўрта Чирчиқ районларида кейинги йилларда маккажўхори экин майдонларининг қисқартириб юборилишига йўл қўйилди. Оҳангарон, Бўстонлиқ, Коммунистик, Пискент, Чиноз районларида ўтган йили маккажўхоридан олинган дон ҳосили 70 центнердан кам бўлди.

Область партия комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Илғор маккажўхорикорлик бригадалари раҳбарларининг республикадаги барча маккажўхорикорларга Очиқ хати тўғрисидаги» қарорини раҳбарлик ва ижро учун қабул қилди.

Область партия комитети ғалаба районидаги Киров номли ўқув-тажриба хўжалиги маккажўхорикорларининг 1979 йилда гектаридан 105 центнердан маккажўхори дон ҳосили олиш бўйича белгилаган тадбирларни маъқуллади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, хўжаликларнинг раҳбарлари, партия, касаба союзлари, комсомол ташкилотларига илғор маккажўхорикорлик коллективлари раҳбарларининг республикадаги барча маккажўхорикорларга Очиқ ҳатини, шунингдек Киров номли ўқув-тажриба хўжалигининг 1979 йилда мўл ҳосил олиш юзасидан белгилаган тадбирларини барча колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликлари, бўлимлар бригадаларда кенг муҳокама этишни тавсия қилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалик бошқармаси, «Ташсадвинсовхоз» трести, хўжаликларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарларига ҳамма ерда маккажўхорикорларга комсомол ташкилотларининг оталик ёрдамини кучайтиришда кўмаклашиш, маккажўхорикорлик бригадаларига мўл дон ҳосилни етиштиришда ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилди. Маккажўхори экини учун серҳосил, сувғириладиган ерларни ажратиш керак. Етарли миқдорда минерал ўғит, сув, қишлоқ хўжалик техникаси етказиб берилиши таъминлансин.

«Ҳақиқат», «Ташкентская правда» газеталари редакциясига, телевидение ва радио эшиттириш бош редакцияларига матбуот саҳифаларида, телевидение ва радио эшиттиришларида бошқоқли дон экинлари, маккажўхори ва шолидан мўл ҳосил олиш бўйича социалистик мусобақанинг қандай бораётганлигини кенг ёритиб бориш топширилди.

(Ғалаба районидаги Киров номли ўқув-тажриба хўжалиги маккажўхорикорларининг тадбирларини газета-мизнинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ VIII СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари область Советининг ижроия комитети ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатларн XVI чақириқ область Советининг VIII сессияси 1979 йил 19 мартда чақирилсин.

2. Область Советининг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

— Область халқ депутатлари Советларининг шаҳарлар ҳамда бошқа аҳоли пунктлари ободонлаштириш ва санитария ҳолатини янада яхшилаш соҳасидаги вазифалари тўғрисида.

— Халқ депутатлари область Совети доимий комиссияларининг аёллар меҳнати ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза этиш масалалари бўйича ҳисоботи.

— XVI чақириқ область Советининг VI ва VII сессияларида депутатлар томонидан билдирилган танқидий мулоҳазалар ва таклифларнинг бажарилиши тўғрисида.

— X чақириқ СССР Олий Советининг депутатларига сайловчилар томонидан сайловолди йиғилишларида берилган наказларни бажариш бўйича белгиланган тадбирлар тўғрисида.

Сессияга область ижроия комитетининг бўлимлари ва бошқармалари раҳбарлари, шаҳарлар, районлар, қишлоқ ва посёлкалар советлари ижроия комитетларининг раислари, айрим корхоналарнинг область Советига депутат бўлмаган раҳбарлари таклиф этилсин.

**Тошкент область ижроия комитетининг раиси**
**Т. АЛИМОВ.**

**Область ижроия комитетининг секретари вазифасини ижро этувчи**
**А. МАНСУРОВ.**

# ЁШЛАР КАСБ ТАНЛАМОҚДА

**Областимизда ёшларнинг касб танлаши, уларнинг билим ва ҳунар эгаларн бўлиб етишишлари соҳасида кейинги йилларда катта ишлар қилинмоқда. Ҳозир ўрта мактабларнинг 9—10 синф ўқувчилари учун ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари ташкил этилиб, йигит ва қизларга ишлаб чиқариш таълими бериш муҳим вазифа қилиб қўйилди. Шаҳар ва районларда ташкил қилинган 25 та ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ўн мингдан ортиқ кишини қамраб олган. Бу комбинатларда 33 та мутахассислик бўйича ҳунар ўргатилмоқда. Бу борада Чирчиқ шаҳри, Оржоникидзе, Пискент районлари маорифчилари намуна кўрсатмоқдалар. Бу жойларда база корхоналари ишлаб чиқаришга ўргатадиган усталарни комбинатларга юборнб, ўқув-тарбия ишларини олиб бориш учун яхши шароитлар яратиб берганлар. Бекобод район партия комитети ва район ижроия комитети ўқувчиларга ишлаб чиқариш таълими бериш борасида яхши ташаббус билан чиқдилар. Улар ҳамма ёшларни шундай комбинатларга жалб этишмоқчи. Районда 5 та ишлаб чиқариш комбинати фаолият кўрсатмоқда.**

**Қуйида Оржоникидзе районида касб танлаш бўйича ёшлар ўртасида олиб борилаётган ишлар билан таништирамиз. Мухбиримизнинг саволларига район халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ Х. ҚОДИРОВ қуйидагича жавоб берди:**

**— Район маорифчилари ёшларнинг касб танлашига ёрдамлашиш мақсадида қандай тадбирларни амалга оширмоқдалар?**

— Яқинда бўлган район активи йиғилишида бу муҳим масала махсус кўриб чиқилди. Умумий таълим мактаблари ўқувчилари орасида касб танлашни ташкил этиш мавзуида махсус семинар-кенгаш ўтказган эдик. Бу семинар-кенгашда мактаб директорлари, илмий бўлим мудирлари ва мактаб ташкилотчилари қатнашишди. Район халқ маорифи бўлими, мактабларнинг раҳбарлари меҳнат таълимининг моддий базасини мустаҳкамлаш, меҳнат дарсларини юксак талаблар даражасида ўтказиш чораларини кўрмоқдалар. Мактаблар малакали меҳнат ўқитувчилари билан таъминланмоқда. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадаларига ташкилий ва методик раҳбарлик қилиши яхшиланмоқда.

Ўқувчиларнинг корхоналар, қурилишлар, колхоз-совхозлар ва илмий-тадқиқот институтларига экскурсиялари уюштирилмоқда. Бу экскурсиялардан мақсад болаларни ишлаб чиқариш жараёнлари билан, ишчилар, хизматчилар, колхозчиларнинг меҳнат шароитлари билан таништиришдан иборат.

Ҳамма мактабларда стендлар, фотокўргазмалар, витриналар ташкил қилиниб, уларда завод, ферма, қурилиш, лабораториядаги ишлар акс эттирилган.

Райондаги 1, 3, 5, 13, 20, 21, 46, 50 ва бошқа мактабларда «Қаерда ўқисам экан», «Ота-оналаримизнинг касби», «Бўлажак касбимда менга нима ёқади», «Ким бўлмоқчиман?», «Ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида менга қандай мутахассислик ёқади?» каби мавзуларда йиғилишлар, сборлар ўтказилди. Ҳунар-техника билим юртлари билан алоқалар мустаҳкамланди. Билим юртларида мактабни битирувчи билан учрашувлар ўтказилмоқда. Болалар билим юрти талабаларининг ҳаёти ва ишлари билан таништирилмоқда.

**— Ёшлар қишлоқ хўжалигида зарур бўлган қандай ҳунарларга ўргатилмоқда?**

— Колхоз ва совхозларимиз ҳамма вақт меҳнаткаш қўлларга, ҳунар эгаларига муҳтож бўлиб келган. Буни биз ўз фаолиятимизда доимо ҳисобга оламиз. Янги ўқув йилида давлат ҳунар-техника ўқув юртларига ёшларнинг катта армияси келди. Район бўйича 786 ўқувчи билим юртларининг талабалари ёнига қўшилишди.

Мактабларда автомобиль ҳайдашга ўргатиш бўйича махсус синфлар ташкил қилинган. Бу борада 5, 30-мактаблар намунали фаолият кўрсатмоқда. Уларда ўтган йили 65 ўқувчи 3-класс ҳайдовчиси гувоҳномасини олди.

13, 16, 32-мактабларда ёшлар трактор ҳайдашга ўргатилди. Ўтган йилнинг ўзида 154 тракторчи тайёрланди.

Барча қишлоқ умумий таълим мактабларида ўқув-ишлаб чиқариш бригадалари ташкил қилинган. Бу бригадалар 18 та колхоз ва 9 та совхозда бор. Улардан тўрттаси пиллакашлик, иккитаси маккажўхорикорлик, 17 таси қўйчилик, 10 таси сабзавотчилик ва биттаси богдорчилик бригадасидир.

**— Мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатининг фаолияти билан таништирсангиз.**

— Бизда бундай комбинат 1977 йилдан бери ишлаб турибди. У ўтган ўқув йилида райондаги 16 та мактабнинг 9—10 синфларидан 1204 ўқувчини ўзига жалб қилди.

Комбинатда 7 хил касб бўйича ўқувчилар меҳнат малакаларини орттирадилар. Жумладан, автомобиль иши, тикувчилик, кулинария, иш юритиш ва машинада ёзиш, трактор ҳайдаш, фото ва сартарошлик маҳоратини ўрганадилар. Шуни айтиш керакки, комбинатдаги машғулотлар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. 1,5 йил ичида ўқувчилар тикишни, машина ва трактор ҳайдашни, суратга олишни, кулинария маҳсулотлари тайёрлашни ўрганиб олдилар.

Комбинат район мактаб ўқувчилари ўртасида катта ишлар олиб бормоқда. Комбинат раҳбарлари ва унинг ўқитувчилари — мастерлар мактабларга бориб, қизиқарли докладлар ва ахборотлар билан чиқмоқдалар. Ўтган йили ва бу ўқув йилида 8-синф ўқувчиларининг комбинатга экскурсияси уюштирилди. Комбинат базасида район мактаб ташкилотчилари учун илмий-амалий конференция ўтказилди. 9-синфларнинг 654 ўқувчисидан 285 нафари ўтган ўқув йилини «аъло» баҳоларга тамомлади. Езги ўқув ишлаб чиқариш практикаси 7 хил соҳа бўйича ўтказилди. Бу практика ўқувчилар ўзлари танлаган касбга қизиқиб ишлашларини кўрсатди.

**Шуни айтиш керакки, областимиздаги айрим база корхоналарининг раҳбарлари, муассаса ва хўжаликлар ўқув ишлаб чиқариш комбинатларини жиҳозлашда, кўргазмали қуроллар, техника билан таъминлашда яхши ёрдам бермаяптилар, ишлаб чиқаришга ўргатадиган мастерларни ажратмаяптилар. Жумладан, 46-автокорхона маъмуриятн, Алимкент пахта заводи, Оққўрғон районидаги 20-кўчма механизациялашган колонна ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари учун мастерлар ажратиб бермади. Оҳангарон райони, Калинин районн ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари ҳам ёрдамга муҳтож. Умуман, қишлоқ ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари яхши бинога ларга жойлашмаган. Ғалаба районида комбинат учун бинонинг ўзи йўқ. Бирорта комбинат ўқувчиларни иш жойига олиб борадиган махсус автотранспортга эга эмас.**

**Маҳаллий Советлар, колхоз, совхоз, корхоналар раҳбарлари ўқувчиларнинг касб танлашига ёрдамлашиш учун маориф ходимлари билан баҳамжиҳат иш олиб боришлари, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари керак.**



Марҳамат Абдукаримова Тошкентдаги Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси биринчи филиалининг пешқадам чеварларидан ҳисобланади. Ўз касбини пухта эгаллаган ёш тикувчи меҳнатда касбдошларига намуна бўляпти. Нормасини доим 130—140 процентдан бажармоқда. Суратда: ёш чевар М. Абдукаримова иш устида.

А. Тўраев фотоси.

## «ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

Бекобод темир йўл ва автомобил транспорти ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Қизил шанбалик» ўтказилп штабн 21 апрель куни иш графигини белгилади. Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалигида 2200 кишн иштирок этади. Уларнинг ярмидан кўпроғи шу куни иш жойларида бўлишади. Улар 22 минг тонна юк ташиб берадилар. Мирзачўлдаги хўжаликлар қўшимча равишда юзлаб кубометр темир бетон нов ариқлар ва ёғоч-тахта, бир неча тонна қум ва бинокорлик материалларини оладилар.

# ГЕКТАРИДАН 105 ЦЕНТНЕРДАН ОРТИҚ МАККАЖЎХОРИ ДОНИ УЧУН

## ҒАЛАБА РАЙОНИДАГИ КИРОВ НОМЛИ ЎҚУВ-ТАЖРИБА ХЎЖАЛИГИ МАККАЖЎХОРИКОРЛАРИНИНГ ТАДБИРЛАРИ

КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этаётган Киров номли ўқув хўжалиги меҳнаткашлари дон етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Беш йилликнинг уч йилида 7,6 минг тонна дон етиштирилди. Бу беш йиллик топшириғининг 94 процентдан кўпроғини ташкил этади. Маккажўхори дони етиштириш беш йиллик плани 119,4 процентга бажарилди. Маккажўхорикорлар ўтган йили мўл ҳосил етиштирдилар ва мавжуд 130 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 100 центнердан «қаҳрабо дон» йиғиштириб олдилар.

Мазкур йилда республика бўйича маккажўхори дони етиштиришни 1,3—1,4 миллион тоннагача кўпайтириш юзасидан Ўзбекистоннинг барча маккажўхорикорларига Очиқ ҳат билан Мурожаат қилган илғор маккажўхорикорлик бригадалари бошлиқларининг ташаббусини кенг қўллаб-қувватлаётган хўжалик меҳнаткашлари 1979 йилда 1,4 минг тонна маккажўхори дони етиштириш ва йиғиштириб олиш ҳамда дон ҳосилдорлигини 105 центнерга етказиш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилдилар.

Қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун хўжалик маккажўхорикорлари мўл ҳосил учун пухта замин ҳозирлаш бўйича конкрет ишларни амалга оширдилар. Маълумки, 3 маккажўхорикорлик бригадалари коллективларига зарур техника, унумдор ер ва бошқа моддий-техника ресурслари биркитиб қўйилди.

Белгиланган муддатда эришиш мақсадида барча маккажўхорикорлик бригадалари коллективларида қуйидаги тадбирларни ўз вақтида ва юқори сифат билан ўтказилишини таъминлаймиз.

Дон учун маккажўхори экишни қулай агротехник муддатларда тугаллаймиз. Алмашлаб экиш амалга оширилаётган юқори унумдор, яхши текисланган ва сув билан таъминланадиган участкаларга «ВИР—338 ТВ» уруғи биринчи навининг, бошқа районлаштирилган гибридлар ва маккажўхори навларининг юқори сифатли уруғлари экилади.

Дон учун баҳорги маккажўхори экишга ер қатламида ҳарорат 10—12 даражага етганида яъни март ойининг охирларида ва апрель ойининг бошларида киришамиз. Маккажўхори экишни бу муддатларда ўтказиш тупроқнинг табиий намига уруғни бир текис ундириб олиш, маккажўхорининг гуллаш фазасини обҳавонинг янада қулайроқ шароитларида ўтказиш, унинг эртароқ етилишини таъминлаш, шунингдек, экишда бўлгани каби ҳосил йиғиб-териб олишда ҳам меҳнат ва моддий ресурслардан кенгроқ фойдаланиш имконини беради. Уруғни аниқ ташлайдиган сеялкалар билан экиш уруғни тежаш, ягана учун сарф-ҳаражатни қисқартириш, етиштирилган дон таннархини арзонлаштиришни таъминлайди.

Уруғ ташлашдан аввал экиш агрегатларини тайёрлигини текширамиз ва уларни малакали механизаторлар билан таъминлаймиз. Экиш билан бир вақтда ҳар гектар ҳисобига 20—25 килограммдан азотли ва фосфорли ўғит соламиз.

10 майгача барча майдонларда экин қатор ораларига биринчи комплекс ишлов берамиз. Бунда майдонларда кўчатларнинг ўз вақтида ва юқори сифатли унуб чиққанлигига алоҳида эътибор берилади. Эҳтиёж сезилган ҳолларда кўчати унмай қолган уяларга авалдан ивитиб қўйилган уруғлар экилади. Ерни юмшатиш, экинларни минерал ўғитлар, қуруқ органик ўғитлар аралашмаси билан озиқлантиришни намунали ўтказамиз.

20 майгача барча майдонларда ҳар гектар ердаги кўчат қалинлигини иккинчи марта текширувдан ўтказамиз. Майдонлардаги кўчат қалинлигини ҳар бир бригада ва картанинг тупроқ шароитига ва уруғлик навига қараб белгилаймиз. Ҳар гектар майдонда ҳосил йиғиштириб олгунгача 50—55 минг тупдан кўчат сақлаб қолишга эришамиз. Экинларнинг 5—6 барг чиқариш фазасида ҳар гектар майдонга 240 килограммдан азотли ўғит қатор ораларига эгат олиш билан бирга солинади ва дарҳол сув таралади. Экинларни навбатдаги азотли ўғит билан озиқлантиришни кўчат 8—10 тадан барг чиқаргандан сўнг ўтказамиз ва иккинчи марта суғорамиз.

Сувдан сўнг ер етилиши биланоқ культивация ўтказамиз. Бўлиқ сўталар ҳосил қилиш учун навбатдаги суғоришни маккажўхори попук чиқариш, сўталар пайдо бўлиш, сўта донларини қотиши фазаларида ўсимликнинг сувга бўлган талабини эътиборга олиб, ўз вақтида ўтказамиз. Унда ҳар бир суғориш оралиғидаги вақтнинг 10—12 кундан ошмаслигини таъминлаймиз.

Суғоришни ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказиш, ҳар қатра сувдан самарали фойдаланиш учун етарли миқдорда малакали сувчилар ажратамиз, тунги суғоришни кенг жорий этамиз.

Ҳамма ерда маккажўхорикорлик коллективлари ўртасида социалистик мусобақа ташкил этамиз. Ишчилар, механизаторлар ва сувчиларни агротехник тадбирларни ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказганлигн ва маккажўхоридан мўл ҳосил олиш учун намунали парваришлаганлиги учун моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирларини кенг қўллаймиз.

Ҳар ойда икки марта мусобақадош бригадалар ўртасида ўзаро текширувлар ўтказамиз. Текширув натижалари бригадаларнинг умумий йиғилишларида муҳокама қилинади, мусобақа ғолиблари ўқув хўжалигининг дирекцияси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари билан мукофотланадилар. 15 июнгача маккажўхоричилик ўрим-йиғимда қўлланиладиган барча техника ремонтини тугаллаймиз ва уларни икки сменада ишлатиш учун юқори малакали комбайнчилар билан тўла таъминлаймиз.

Йиғим-теримни бошлаш олдидан, яъни август ойининг биринчи ўн кунлигида хўжаликда комбайнчилар ўқуви ўтказилади. Ҳосилни йиғиб-териб олишда ипатоволиклар методи қўлланилади, маккажўхори йиғиштириб оладиган комбайнлар иши группа усулида ташкил этилади. Ҳар бир группадаги комбайнларга малакали слесарь ва созловчилар бнлан таъминланган кўчма автомустахоналар, керакли миқдорда транспорт тракторлари, дон ва силос массаси ташиш учун тележкалар бириктирилади.

20 августдан кечикмай, ҳосилни йиғиб-териб олишга киришамиз ва уни 8—10 иш кунида тугаллаймиз. Бунинг учун транспорт тракторлари қатнайдиган йўлларни ўз вақтида ва сифатли текисламиз, вақтинчалик суғориш тармоқлари эз ўқ ариқлар кўмилади, комбайнларнинг қайтиш майдонлари ва уларни биринчи ўтиш жойлари тайёрланади. Дон қуритиш ва маккажўхорини янчиш учун ажратилган асфальтланган майдонлар ремонт қилинади.

Барча бригадаларда маккажўхори дони ҳосилини йиғиб-териб олиш билан машғул бўлган ишчилар ва механизаторлар учун иссиқ овқат ташкил қилинади.

Ҳар бир бригадада етиштирилган ҳосил қатъий ҳисоб-китоб қилиб борилади ва унинг нес-нобуд бўлишига йўл қўйилмайди.

Ҳосилни йиғиштириб олиш ва маккажўхори дони тайёрлашни ўз вақтида тугаллашни назорат қилиб бориш учун маъмурият, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари вакилларидан иборат штаб ташкил қиламиз. Бу штаб маккажўхорикорлик бригадаларига дон етиштиришни кўпайтириш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши учун ёрдам кўрсатади.

Хўжалик дирекцияси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари барча сиёсий ва ташкилий ишларни маккажўхори дон ҳосили етиштиришни кўпайтириш юзасидан қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишига қаратади.

**Ушбу тадбирлар ўқув-тажриба хўжалиги маккажўхорикорларнинг йиғилишларида қабул қилинган.**

# ГЎЗАЛЛИК ШАЙДОЛАРИ

Бинокорларни гўзаллик шайдолари деб бежиз айтишмайди. Ҳақиқатан ҳам бу касб эгалари ўзларининг ғайрат-шижоатга тўла меҳнатлари, ақл-заковатлари билан шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига-кўрк қўшмоқдалар, меҳнаткаш инсон фаровонлигининг ортишига ҳисса қўшишяпти. Уларнинг қалб кўрини ўзида сингдирган осмонўпар бинолар, бутун-бутун массивлар ва кварталлар, асрлар давомида ана шу олижаноб касб эгалари меҳнатига ҳайкал бўлиб қоладн.

Бунёдкорларнинг яратувчилик меҳнати самарасини республикамиз пойтахтида янада яққолроқ кўриш мумкин. Тошкентнинг шарқий-шимолий томонига жойлашган Қорасув массиви ана шуларнинг биридир. Бир вақтлар лой томли пастак уйлари бўлган, кенг майдонлари кимсасиз ётган бу массив эндиликда пойтахтимизнинг энг гўзал районларидан бирига айланиб бормоқда. Унинг шу кунлардаги гўзал қиёфаси, кўп қаватли уйлари, маданий-маиший муассасалари кишини ўзига мафтун этади. Миллий меъморчилик анъаналари асосида безак берилган бу бинолар кўрки таърифини ўрнига қўйишга тил ожизлик қилади.

Қисқа вақт ичида биринчи Қорасув массиви қуриб битказилди. Эндиликда унда минглаб оилалар истиқомат қилмоқда. Уларнинг яшаши, фаровон турмуш кечириши учун барча қулайликлар яратиб берилди. Эндиликда эса 2-«Қорасув» массивини барпо этиш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Бу ерда амалга оширилган ишлар ҳажмининг нақадар катта эканлигини тўла тасаввур қилиш учун айрим мисоллар кўрсатиш мумкин. Шуни айтиш кифояки, ўнинчи беш йилликнинг ўтган уч йилида худди шу массивлар қурилишида 150 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Ҳаммаси бўлиб 300 минг квадрат метр сатҳли турар жой майдони фойдаланишга топширилди. Массивларда 25 минг оила ҳовли тўйлари ўтказди.

Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида бу ерда яна бир янги бино қурилишига қўл урилди. Бу ерда дастлабки тўққиз қаватли уй бунёд этила бошланди. Унинг пойдевори барпо этилди. Йирик панеллардан йиғиладиган бу муҳташам бино кун сайин кўкка бўй чўзмоқда. Бу улкан бинони қуришда «Главташкентстрой» 2-уй қурилиш комбинати 27-қурилиш бошқармасининг 1-участкаси бинокорлари жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улар бинони белгиланган муддатдан анча илгари фойдаланишга топшириш, сифатли қуриш ва қўллаб қурилиш материалларини тежаб қолиш учун қизғин курашмоқдалар.

— Биз уй-жой қурилиши халқимиз фаровонлигини оширишда катта аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунамиз, — дейди шу участка илғор пайвандчиси Тўра Нуриддинов. — Шунинг учун ҳам тез ва сифатли ишлашга астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Йил бошидан бери бирғина шу тўққиз қаватли уй-жой қурилишида қўшимча бир неча минг сўм маблағ ўзлаштирдик. Сафимизда ўзининг фидокорона меҳнати билан бинокорлик касбини улуғлаб келаётган ажойиб касбдошларимиз жуда кўп. Улар участкамиз коллективининг фахри ва ғурури ҳисобланади. Бу фидокорлар тез ва сифатли ишлашда ҳаммага, намуна бўлишяпти. Турсун Аҳмедов, Альфред Конрад, Шермат Набиев ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар шу кунларда 1980 йил ҳисобига меҳнат қилишяпти.

Пешқадам пайвандчи Тўра Нуриддиновнинг ўзи эса ўнинчи беш йиллик топшириғини бажарганлиги ҳақида рапорт берганига анча бўлди. Унинг меҳнат календарида 1981 йилнинг иккинчи ярми бошланди. Моҳир бинокор сменада нормани 200 процент ва ундан ҳам ошириб адо этмоқда. Ишининг сифати ҳам кўнгилдагидек бўляпти. У пайвандчилик касбини ўнга яқин ёшларга ўргатган. Шогирдлари ҳам устозлари сингари меҳнатда бошқаларга намуна бўлишяпти.

О. ИСРОИЛОВА.

МЕҲНАТДА ДОНГ ТАРАТГАНЛАР

# ЧИННИЛАРДА ЧАМАН ЯРАТИБ



У доимо узун иш столи устига қўйилган «чинни гуллари» ичра кўмилиб ўтиради. Оқ қоғоз «бағрини тилиб» чизади, ўчиради... Узоқ машаққатли изланишдан сўнг янги эскизлар вужудга келади. Бу эскизлар туфайли чиннилар бағрида нафис баҳор гуллари кулиб унади, уларга дилрабо жозиба бахш этади. У қарийб 30 йил мобайнида қанчадан-қанча безакли яратмади дейсиз... У яратган безакли чинни буюмлар халқаро ярмаркаларда бирнеча бор олтин медаллар билан тақдирланди. Узбек чинисининг довруғини океан ошаолиб ўтди, элларга манзур этди!

Ижодкорнинг чинни гуллари бир-биридан гўзал, бир-биридан жозибали, нафис, дилбар. Бир-бирини такрорламас, ҳар бири олам-олам маъноға эга. «Исломи Пахта», «Гули пахта», «Оқ олтин», «Гулбаҳор», «Шакранг гул», «Юбилейний» сервизлари Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг Олтин медалини олди. Яқинда эса унга «Ўзбекистон халқ рассоми» деган юксак унвон берилди ва рассомлар союзига аъзо қилиб қабул қилинди.

У гоҳо тунлари мижжа қоқмай эскизлар излайди, улар устида ишлайди... Тонг саҳар севимли, қадрдон лабораторнясига — у ердаги ишларини давом эттириш учун, ишдан сўнг эса уйдаги — иш столи устидаги эскизларни интиҳосига етказишга шошилади.

...Ўшанда 1948 йил эди. Қоратошдаги ҳунармандчилик артелида оқ-сариқдан келган, озгинагина, миқти бола пайдо бўлиб қолди. У катталар томонидан берилган вазифаларни пухта, кўнгилдагидек бажарар, уларнинг олқишига сазовар бўларди. Ёқуб аввал артелнинг ўймакорлик, сўнгра эса миллий чолғу буюмлари бўлимида ишлаб юриб, рассомчилик касбининг шайдоси бўлиб қолди. Мураккаб қалбидаги ғалаёнларни ҳам ана шу ажойиб санъат орқали ифодалашга ҳаракат қилди.

— Ёқубжон, ёғитча, ҳозир бизда ўрин йўқ,— деди кадрлар бўлими бошлиғи,— бўлса жонимиз билан эди-я...

...Ёқубжон Қорабоев аввал заводдаги қурилиш бригадасида ишлаб юрди. Буни қарангки, бригадага бўёқчи етишмай турган экан. «Ҳар ҳолда касбимга яқин-ку!»— дея кўнглидан ўтказди, у. Шу орада гул цехига тез-тез кириб, у ердаги рассомларнинг ишини кузатди. Баъзан қўлига кист олиб, уриниб ҳам кўрди.

— Ўҳў, қўлинг дуруст-ку, йигитча,— деди бир куни унинг ишини кузатаётган рассом Аҳмад Мирзабоев.— Сендан тузук рассом чиқадими дейман. Бизда ишламайсанми?

— Сизларда ишлашни кўпдан бери орзу қиламан...

Шу-шу, иккиси шогирду устоз бўлиб иш бошлашди.

Инсон меҳнатда камол топади, дейди доно халқимиз. Ёқубжон ҳам кундан кунга камол топиб, меҳнатда тобланди, мўйқалами чархланди. Касбга меҳр унга ҳурмат-эътибор келтирди. Эндиликда уни ёшлар «Устоз» дея эъзозлашади. Бу сўзнинг замирида олам-олам маъно бор. Халқимиз ўз касбининг усталарини, эл-юрт манфаати учун жон куйдирганларни, ўз ҳунарини бошқаларга қунт билан ўргатаётганларни ардоқлаб, иззатлаб «Уста» дейди. Ёқубжон ака Қорабоев ҳам бу улуғ номни амалда оқлади. У шу йиллар мобайнида ўзига хос «Чинни чамани» яратди, кўплаб ёш, умидли чиннисоз мўйқалам соҳибларини тарбиялади.

— Бизнинг касбда ҳам қобилият бўлиши керак,— дейди у ёш рассомларга.— Бу сизларда бор. Фақат уни ўз устингизда тинмай ишлашингиз, изланишингиз, машқ қилишингиз орқали тарбиялаш, ривожлантириш мумкин. Расм чизиш керак деб, қаторлаштириб турли расмларни чизиб ташлайвериш, бўлар-бўлмас эскизларни бадиий Советга тақдим этаверниш яхши эмас. Расм чизаётганда аввало ишлаб чиқаришни, гул цехидаги рассомларни ҳам ўйлаш керак. Негаки, мураккаб расм уларни қийнаб қўяди. Чиннига туширилдиган гул—оддий, бироқ нафис ва жозибали бўлиши лозим. Ана шу икки талабнинг ўзи сизларнинг зиммангизга жуда катта масъулият юклайди. Ана шунинг ўзи оддий расм билан чиннисоз рассом ўртасидаги фарқни ойдинлаштиради...

Ҳа, у доимо қайноқ меҳнат қўйнида, одамлар орасида, улар хизматида. Унинг ижод маҳсулини фақат чиннида эмас, пойтахт музейларида ҳам кўриш мумкин. Музейларнинг экспонатларини Ўзбекистон халқ рассоми Ёқубжон Қорабоев ишлаган амалий санъат намуналари безаб турибди.

Ҳозирги дамларда рассом катта ижодий изланиш йўлида шахдам одимлаяпти. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1979 йилни — Болалар йили деб эълон қилиши Ёқубжон аканинг илҳомини жўштириб юборди. У ҳозир болалар учун чинни буюмларининг янги намуналарини яратиш устида ишлаяпти. Шунингдек, буюк файласуф олим Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллигига ва «Москва-80» олимпиадасига бағишлаб янгидан янги чинни буюмлари ижод қилмоқда.

...Устанинг лабораториясидан қайтар экансиз, у ҳамон «чинни гуллар» ичра кўмилиб ўтирар, янги эскизлар устида ишлар, завод бадиий Советига ҳавола этажак ўнлаб эскизларини такрор-такрор кўздан кечирарди...

Т. ТОШЕВ.

**Суратда: Ўзбекистон ССР халқ рассоми Ёқуб Қорабоев янги вазага гул чизмоқда.**

**Ҳ. Мирзакаримов фотоси.**



**Сиз суратда кўриб турган Тошкент аэропортининг ахборот — ҳисоблаш марказининг ходимлари инженер — Александра Белана Яковлева ҳамда катта техник Наташа Любенец ҳурматига сазовор бўлган натлари билан коллектив ёш коммунист оператор Елёўзларининг фидокорона меҳнат хизматчилардандир.**

**Н. Ўтарбеков фотоси.**

# ҚАЛБ ХОТИРАСИ

Кўчаларни тўлдириб ўтаётган гулгун чеҳрали бахтиёр ёшларни кўриб, қалбдан қувонаман. Бугун ҳамма шод, бахтиёр. Ёшларнинг билим олишлари, меҳнат қилишлари, дилдаги орзуларини рўёбга чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё.

Шундай дамларда беихтиёр ўз ёшлигимни эслайман. Етим-есирликда ўтган кунларим ҳали-ҳали ёлимда. Онамдан эрта жудо бўлган эдим. Бир бурда нон ялаб, бормаган жойимиз, қилмаган ишимиз қолмади. Инқилоб туфайли барча қатори бизнинг оилага ҳам бахт кулиб боқди. Мен Қаршидаги болалар уйида тарбияландим. Кейинчалик Тошкентда янги очилган ипакчилик техникумига ўқишга кирдим. Техникумдаги ҳаёт мени ҳар томонлама камол топтирди. Комсомолга кирдим, спорт-гимнастика тўгарагига раҳбарлик қилдим. Ўша кезларда Фотима Сиддиқова билан танишган эдим.

Фотима комсомоллар сардори, техникумдаги рус тили тўгараги раҳбари эди. У билан бирга биз кўпгина ташкилий ишларни бажарар эдик.

Минг афсуски Фотима узоқ яшай олмади. 1928 йилнинг февраль ойи эсимда. 8 март байрамини ўтказишга тайёргарлик кўриш мақсадида бир группа комсомоллар қишлоқларга йўл олишди. Фотима Сиддиқова Ёнариқ қишлоғига жўнади. У лекция ўқиб бўлгач, кечка томон яна Тошкентга қайтди. Орқасига ёлланган қонхўрлар тушганидан бехабар эди. Йўлда Абдумавлонбой ёллаган жаллодлар уни ваҳшийларча ўлдирдилар.

Бу шум хабар қалбларимизни ларзага келтирди. Ўша куниёқ техникумда мотам митинги бўлди. Фотиманинг ишини давом эттириш мақсадида юзга яқин йигит-қиз комсомол сафига ёзилди. Ёшлар мени техникум комсомол ташкилотига секретарь қилиб сайлашди.

Шу бўйи комсомол ишларида кўп йиллар меҳнат қилдим. Опа-сингилларимиз, дугоналаримиз бошлаган ҳайрли иш тантанаси учун бор кучимни сарф қилдим. СССР халқларининг Москвада бўлган Бутуниттифоқ биринчи спартакиадасида қатнашганимда ҳам, комсомол топшириғи билан турли жойларда бўлганимда ҳам озод ўзбек аёли амалга ошираётган ҳаётбахш ишларни кенг тарғиб қилдим.

Мен 70-баҳорни қаршилаяпман. Шу йиллар мобайнида қанчадан-қанча воқеаларнинг гувоҳи бўлдим. Лекин комсомоллик йилларидаги жўшқин ҳаётимиз, хотинқизлар озодлиги учун курашган дугоналаримиз хотираси қалбимда ўчмас из қолдирган. Улар бугунги бахтли ҳаёт учун курашган эдилар. Шу боисдан ҳам халқ уларни ҳамиша ёдда сақлайди.

**Ҳикоят ҲАСАНОВА,**
**комсомол ветерани.**



БЎКА районидаги «Гулистон» боғдорчилик совхозининг мевазорларида баҳор нафаси уфура бошлади. Совхознинг Ислом Аббосов бошлиқ 1-бўлимида баҳорги дала ишлари қизитиб юборилди. Дарахтзорлар ораси қайта юмшатилиб, маҳаллий ўғит солинмоқда. Суратларда: (чапдан) тракторчилар Ғ. Аллизов, К. Мугарашилов ва И. Аббосов (ўртада)лар; (ўнгда) боғларга ишлов бериш пайти. И. Тўлибоев фотолари.

# ҚИШЛОҚЛАРГА ЗАНГОРИ ОЛОВ

Коллективимиз зиммасига шарафли вазифа юклатилган, унинг катта масъулияти ҳам бор. Чунки, биз қатор хўжаликлар, ташкилотлар, кўплаб уй-жойларни ва маданий-маиший муассасаларни энг арзон ва қулай ёқилғи — газ билан таъмин этиб туришимиз керак. Бу билан қишлоқ маданиятини ошириш, меҳнаткаш деҳқонларнинг моддий ва маданий турмуш фаровонлигини юксалтириш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришга сезиларли ҳисса қўшаяпмиз.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уни энергетика ресурслари билан таъминлашни ҳар томонлама кенгайтириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу кўрсатмани ўз ишининг программаси деб билган коллективимиз мижозларга бир маромда газ етказиб бериш, хизмат маданиятини яхшилаш учун барча резерв ва имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Ишчи-хизматчиларимиз социалистик мусобақани авж олдириш, илғор иш усулларини қўлланиш, газ тармоқларининг авариясиз ишлашини таъминлашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Меҳнатнинг шундай пухта ташкил этилиши, ишлаб чиқариш илғорларининг вақтивақти билан моддий ва маънавий рағбатлантирилиши, иш маданиятини ошириш юзасидан кўрилган тадбирлар яхши самара бермоқда.

Биз мижозларга газ етказиб бериш давлат плани ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан уддалаяпмиз. Коллективимизнинг ўтган зарбдор йилдаги меҳнат натижаси бунга яққол мисол бўла олади. Йил давомида мижозларга 78 миллион куб метр табиий газ етказиб бердик. Бу — топширикда назарда тутилганидан 5 миллион куб метр кўпдир. Баллонли газларни меҳнаткашлар хонадонларига етказиб бериш плани ҳам зиёдаси билан адо этилди. Қўшимча 11 тонна суюлтирилган газ элтиб берилди. Давлат планларининг муваффақиятли бажарилиши коллективимизнинг бошқа кўрсаткичларини ҳам анча яхшилашга олиб келди. Йил давомида 212 минг сўмдан ошиқ соф фойда олинди. Бу планда назарда тутилганидан 10 процент кўпдир.

Идорамиз ишчилари қишлоқ уйларини газлаштириш юзасидан ҳам катта ҳажмдаги ишларни амалга оширдилар. Йил давомида 250 хонадонга газ туширилди. Бундан ташқари, 22 километр узунликда газ қувурлари ётқизилди.

Қатор колхозларда теплица хўжалиги йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Шаҳар меҳнаткашларини қиш фаслида ҳам турли-туман сабзавотлар, резавор кўкатлар билан таъминлаш юзасидан қилинаётган бу ишда коллективимизнинг ҳам озмикўпми ҳиссаси бор. Ишчи-хизматчиларимиз янги теплица хўжаликларини тезроқ газлаштириш, мавжудларини газ билан бир маромда таъминлаб туришга алоҳида эътибор билан қарамоқдалар. Райондаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида 6 гектар, «Ленин йўли» колхозида 6 гектар, Охунбобоев номли колхозда 2 гектар майдонни эгаллаган теплица ва парниклар қиш мавсумида газ билан узлуксиз таъминлаб турилди. Ҳозирги вақтда яна бир пленкали енгил типдаги теплица хўжалигини газлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳаммаси бўлиб эса 14 колхоз ва совхоз мижозимиз ҳисобланади. Умумий узунлиги 32 километр бўлган газ тармоқларига техник хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар тузилган. Биз кўрсатилаётган хизмат ҳажми ва сифатини ошириш учун «Қорасув» совхозида, ўрмон хўжалиги институти, «Партия XX съезди» колхози ва «Бўзсув» совхозида газлаштириш участкалари ташкил этдик.

Коллективимиз ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам катта вазифаларни амалга ошириши керак. Қишлоқларни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ҳамда хонадонларни газлаштириш юзасидан кенг ҳажмдаги ишларни бажаришимиз лозим. Коллективимиз бу йилни ҳам зарбдор меҳнат йилига айлантиришга аҳд қилди. Газчиларимиз ўртасида юксак меҳнат кўрсаткичларига эришиш учун социалистик мусобақа кундан-кунга авж олаяпти. Унда иштирок этаётган кўпгина ишчи-хизматчилар меҳнатда касбдошларига намуна бўлмоқдалар.

Коллективимизнинг пешқадам ишчилари ҳақида сўз кетганда аввало, Тўрақулов, Қурбонов, Хўжамқулов ва Раҳимжоновлар номини алоҳида таъкидлагинг келади. Чунки, бу жонқуяр газчилар коллектив фаолияти натижасининг самарали бўлишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Нормаларини доим ортиғи билан адо этиб келишяпти.

Коллективимиз ўтган йил якунлари бўйича область газ ишлаб чиқариш саноати бирлашмаси бўлинмалари ўртасида юксак меҳнат кўрсаткичига эришди. Шунинг учун ҳам идорамизга бирлашманинг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофоти берилди. Биз бу йил ҳам ана шундай юксак натижага эришиш учун астойдил меҳнат қиламиз.

**К. НУРМУҲАМЕДОВ,**
**«Келесгаз» идораси бошлиғи.**

# ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР




ГЕРМАНИЯ Коммунистик партияси ГФРнинг барча демократик ва тинчликсевар кучларига мурожаат қилиб, пекинлик агрессорларнинг босқинчилик ҳужумларига зарба бераётган қаҳрамон Вьетнам халқи билан бирдамликни мустаҳкамлашга чақирди. Суратда: Германия Компартияси чиқарган плакат. «Унзере цайт» газетасидан олинган сурат. ТАСС фотохроникаси.

## Хитой босқинчиларининг жиноятлари

Хитой ҳарбийлари Вьетнам халқига қарши жиноий агрессияни давом эттирмоқда. ВСР қуролли кучларининг қатъий зарбасига ҳамда жаҳон жамоатчилигининг қудратли норозилик ҳаракатига дуч келган Пекин ўз қўшинларини Вьетнам территориясидан олиб чиқиб кетиши тўғрисида мунофиқона баёнот берди. Бу найранг халқларнинг ҳушёрлигини бўшаштириш, бутун дунёда қароқчилик агрессиясига қарши норозилик тўлқинини пасайтириш ҳамда қаҳрамон Вьетнам халқи билан бирдамликни қўпориш учун қилинган-дир.

Аммо фактлар Хитой қўшинлари босиб олинган Вьетнам территориясидан амалда ҳанузгача олиб чиқиб кетилмаётганлигидан далолат беради. Аксинча, агрессорнинг асосий кучларидан бош йўналишларда актив уруш ҳаракатлари олиб боришда фойдаланилияпти. Қўшинлар бир қанча пунктларда янгилмоқда, ҳарбий иншоотлар қурилмоқда, агрессор ВСРнинг қўшинга шаҳар ва қишлоқларини ваҳшиёна тўпга тутишни давом эттирмоқда.

Хитой босқинчилари босиб олинган Вьетнам территориясида қонли ёвузликлар қилмоқдалар. Кўпгина шаҳар ва қишлоқлар ер билан яксон қилинди, саноат корхоналари харобаларга айлантирилди, деҳқонларнинг далаларига ўт қўйилиб, тақир ерга айлантирилди. Вахшийлашган Хитой ҳарбийларининг таловчилиги ҳисобсиз даражага етди.

ХАНОЙ, 12 март. (ТАСС).

Вьетнам ахборот агентлигининг хабар беришича, Хитой агрессорлари кейинги кунлар мобайнида бир қанча районларда уруш ҳаракатларини давом эттирдилар. Улар қўшинларини тўпладилар ва Донгданг билан Тимедан нарида ўз позицияларини мустаҳкамлаб олдилар. Хитойлар бошқа йўналишларда Вьетнамнинг позицияларига ҳужум қилмоқчи бўлдилар, аммо ВСР жангчилари билан халқ лашкарларининг зарбасига учрадилар. Босқинчилар Лангшон районида чегара қозиқларини ВСР территориясининг ичкарилигига кўчирдилар.

Хитойлар босиб олинган территориянинг бир қанча участкаларида ҳарбий иншоотлар қуришни давом қилдирдилар. Бу нарса босқинчилар Вьетнамнинг айрим чегара районларидан чиқиб кетиш ниятида эмасликларини тасдиқлайди.

ХАНОЙ, 12 март. (ТАСС). ВИА агентлигининг мухбири Хоанглиеншон вилоятидан хабар беради:

Асосан кичик элат яшайдиган Фолу шаҳарчаси Хитой агрессиясигача Хоанглиеншон вилояти шимолий қисмида энг гавжум аҳоли пунктларидан бири эди. Хитой босқинчилари у ерда бир неча кунгача бўлдилар, ҳозир эса унинг ўрнида вайронлар ётибди.

Еттинчи тош йўл Фолуга олиб боради. Шаҳарнинг чеккасидаёқ даҳшатли вайроналик манзарасини кўриш мумкин: биронта ҳам уй омон қолмаган. Душман икки қаватли почта биносини портлатган. Бундан атиги ўн кун аввал ҳарбий қўмондонлик вакили район халқ комитети биносида шимолий фронтдаги аҳвол тўғрисида чет эл журналистларига гапириб берган эди. Ҳозир бу бинонинг синчларигина қолган.

Камдионгдан чиққан тош йўл ёқалаб икки томонда уйлар бор эди. Шу уйларнинг ҳаммаси, шунингдек яқин атрофдаги темир йўл кўприги портлатилган. Баочанг ўрмончилигининг авторемонт устахонаси ёнида каттакон темир-терсак уюми турибди. Бу ерда ремонт кутиб турган юк машиналардан қолган нарса шу. Босқинчилар танкка қарши миналардан фойдаланиб автомашиналарни портлатганлар.

Маҳаллий партия ходимларининг ҳисобларига кўра шаҳарчада маъмурий бинолар, мактаб, вокзал, маданий-маиший муассасаларни ҳисобламаганда камида 300 та уй вайрон қилинган. Агрессорлар Фолу-Лаокай темир йўли участкасида ҳамма стрелкаларни портлатиб юборганлар, темир йўлнинг ўзини тамомила яроқсиз ҳолга келтирганлар.

Хитой солдатлари Фолуда жамики мол-мулкни талаганлар, мебелларни эса каттакатта гулхан қилиб ёққанлар. Хитойлар шаҳарчадан чиқиб кетаётиб, жамики қорамолни отиб ўлдирганлар.

Илгари ҳаёт қайнаб турган шу шаҳарчанинг ҳамма жойида агрессорлар қилган жиноятларининг излари кўринib турибди.

## Ризамат ота МУСАМУҲАМЕДОВ



Республиканинг атоқли халқ селекционери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республика Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати, фахрий академик, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном, машҳур соҳибкор Ризамат Мусамуҳамедов 102 ёшида вафот этди.

Ризамат Мусамухамедов 75 йил давомида узумчиликда самарали меҳнат қилди. Унинг бутун ҳаёти социалистик Ватанга, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишига фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин намунаси бўлди. Талант ва улкан меҳнатсеварлик уни узумчиликнинг атоқли соҳибкори қилиб етиштирди, Ўзбекистонда ва Ўрта Осиё республикаларида неча минг гектарлар намунали-кўркам боғлар ва узумзорлар бунёд этилди. Ризамат Мусамуҳамедов узум новдалари етиштиришнинг фани ва тажрибасини чуқур эгаллаб, мамлакатимиздаги қўллаб соҳибкорларнинг устози ва мураббийсига айланди. У Мичурин методларини, халқнинг бой тажрибаларини ва ўзи ишлаб чиққан усулларни моҳирона қўлланиб узум навлари етиштиришда юксак камолотга эришди, ширин-шакар узумлардан кўплаб ҳосил олишга муваффақ бўлди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Ризамат Мусамуҳамедовнинг хизматларини юксак баҳолаб, унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони фахрий унвони бердилар. У уч марта Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Ҳурмат Белгиси ордени ва СССРнинг кўплаб медаллари билан, саккиз марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган. У 1, 3, 4 ва 5 чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати қилиб сайланган эди.

Халқ селекционер олимининг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш. Р. Рашидов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, О. А. Алимов, Т. М. Ортиқхўжаев, Г. А. Габриельянц, Н. М. Маннонов, М. М. Мирзаев, Е. П. Пўлатов, А. А. Уркинбоев, С. Х. Йўлдошев.**

## ЖАҲОН ПЕКИН АГРЕССИЯСИНИ ҚОРАЛАМОҚДА

ЛОНДОН. Буюк Британия компартиясининг ижроия комитети Хитойнинг ВСРга қарши агрессиясини Вьетнамнинг миллий суверинитетига қилинган мудҳиш жиноят, Жанубий — Шарқий Осиёдаги тинчлик нишига урилган жиддий зарба деб атади.

Бугун «Морнинг Стар» газетасида эълон қилинган баёнотда Буюк Британия компартияси ижроия комитети шуни қайд этадики, барча тинчликсевар ҳукуматлар ва халқлар Хитойни ўз қўшинларини Социалистик Вьетнамдан олиб чиқиб кетишга даъват этадилар. Хитойнинг ВСРга қарши агрессияси, деб уқтирилади ҳужжатда, бутун дунёда тинчликка хавф солмоқда ва бу хавф Хитой қўшинлари Вьетнам тупроғидан чиқиб кетмагунча сақланиб қолаверади.

Ижроия комитет Англия ҳукуматини Хитойнинг агрессиясини қатъиян қоралашга ҳамда Хитой қўшинлари Вьетнамнинг бутун территориясидан дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетилишини талаб қилишга даъват этди.

Ҳужжатда, шунингдек агрессия етказган зарарни тугатишда ВСРга ёрдам тўғрисида у билан музокаралар бошлаш кабинетдан талаб қилинади.

Шу билан бирга Буюк Британия компартияси Англиянинг Хитой билан ҳарбий ҳамкорлигини, жумладан Пекинга «Харриер» самолётларини етказиб бериш режаларини кескин танқид қилди.

Инглиз коммунистлари: «Вьетнамдан қўлингни торт!— деб талаб қилмоқдалар.

КОҲИРА. Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти Пекин раҳбарларидан ўз қўшинларини дарҳол, батамом ва сўзсиз олиб чиқиб кетишни жуда қатъийлик билан талаб қилади. Хитой ҳукмдорларининг қўшни суверен давлатларга қарши авантюристик ва жиноий ҳатти-ҳаракатларига ,уларнинг реакцион гегемончилик сиёсати асос қилиб олинганлигини ташкилот доимий секретариатининг Вьетнам Социалистик Республикасига қарши Хитойнинг вахшиёна агрессияси давом этаётганлиги муносабати билан бу ерда тарқатилган баёнотида ана шулар айтилади.

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти, дейилади пировардида, Пекиннинг қўшинларни олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги ҳамма гапсўзларини ўзининг агрессив сиёсатини хас-пўшлаш мақсадини кўзловчи найранг деб билади ва Вьетнам Социалистик Республикасининг ўзини мудофаа қилиш ва ўз ватанини Хитой агрессорларидан ҳимоя қилишдан иборат муқаддас ҳуқуқини эътироф этади.

АММОН. Иордания халқи жаҳон жамоатчилигининг кенг доиралари билан бирга Хитойнинг социалистик Вьетнамга қарши агрессиясини лаънатлайди, деди Иорданиянинг таниқли жамоат арбоби, Иордания-Совет дўстлиги жамиятининг президенти доктор Рифъат Ода ТАСС мухбири билан суҳбатда. Хитой агрессия бошлаб, деб давом қилди Рифъат Ода, ўз обрўсини путурдан кетказган ва жаҳонда эгаллаб турган аввалги мавқеларидан маҳрум бўлди. У ҳукмронлик ўрнатишга интилаётган агрессор эканлигини кўрсатди.

Шу билан бирга ўз эркинлиги ва мустақиллигини қатъий туриб ҳимоя қилаётган Вьетнам халқи дунёдаги бошқа халқларнинг яна ҳам кўпроқ хайрихоҳлиги ва бирдамлигига сазовор бўлди. Ўтмишда АҚШ агрессиясига ва бошқа босқинчиларга бардош бера олган Вьетнам халқининг ғалаба қозонишига ҳеч ким шубҳаланаётгани йўқ. Вьетнам якка-ёлғиз эмас.

Хитойнинг ҳозирги раҳбарлари, деди Рифъат Ода, социалистик йўлдан батамом юз ўгирдилар ва ўзларини Америка империализмининг аравасига қўшиб қўйдилар. Хитой раҳбарлари Қўшма Штатлар билан иттифоқ тузиб, улар билан бирга революцион миллий озодлик ҳаракатларига қарши курашаётганликларини, реакция ва империализм кучлари лагерига ўтиб олганликларини исботладилар.

## ЭРОНДАГИ ВАЗИЯТ

ТЕҲРОН, 12 март. (ТАСС.) Эрон пойтахтида хотин-қизларнинг оммавий намойишлари сурункасига беш кундан бери давом этмоқда. Улар эркаклар билан баравар сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлар берилишини талаб қилмоқдалар. Бугун Теҳрон хотин-қизларидан 20 минг-га яқин киши шаҳарнинг марказий кўчаларидан ўтиб, хотин-қизлар батамом озодликка чиқарилсин, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида хотин-қизлар актив иштирок этишлари учун шарт-шароитлар таъминлансин, деб даъват этдилар. Яқинда тузилган миллий демократик фронт раҳбари Матин Дафтари Теҳрон университетида бўлган митингда сўзга чиқиб хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқ учун ҳаракатини қатъий қўллаб-қувватлаб гапирди.

Бу орада мамлакатда Эроннинг бўлғуси давлат тузуми тўғрисидаги масала юзасидан 30 мартга тайинланган референдумга тайёргарлик тобора актив авж олдирилмоқда. Сайловчилар рўйхатлари тузилмоқда, бюллетенлар босилмоқда, овоз бериладиган жойлар жиҳозланмоқда.

Эрон жамоатчилиги реакция ва халқаро империализм таъсирига ўлдирилган Хитой солдатлари ёнидан вьетнамча-хитойча луғатларни топилди. Луғатларни нашрга тайёрлаш ишлари агрессиядан анча илгари бошланган эди.

ВИА—ТАСС телефотоси.

## РЕВОЛЮЦИЯ КУЙЧИСИГА БАҒИШЛАБ

**Республикамиз жамоатчилиги ўзбек совет адабиёти ва санъатининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунининг 90 йиллигини кенг нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Бу сана олдидан олий ўқув юртларида, мактабларда ҳам юбилей шодиёналари ўтказилмоқда.**

Пойтахтнинг Киров районидаги 63-ўрта мактабда бўлган адабий кеча ҳам улкан сўз санъаткорига бағишланди. «Ҳамза шоир ва драматург» деган мавзуда ўтган бу кечага қўшни мактаблардан ҳам меҳмонлар таклиф қилинди.

Юқори синф ўқувчилари томонидан тайёрланган Ҳамза ҳақидаги докладлардан сўнг бадиий қисм бошланди. Шоирнинг жўшқин революцион шеърлари жаранглайди. Унинг ёшларни билим олишга даъват этувчи шеърлари ҳам завқ билан тингланди.

**Юбилей кечасига атаб мактабнинг кутубхоначилари Васила Тожибоева билан Азиза Ҳолматовалар бошчилигида тайёрланган бадиий композиция кечага алоҳида файз бағишлади. Драматург пьесаларидан олинган парчалар асосида саҳналаштирилган мазкур программага қўшиқ ва рақслар ҳам киритилган эди.**


**Революция куйчисига бағишланиб «Ёш китобхонлар» деворий газетасининг махсус сони ҳам чиқарилди.**

## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ДУБЛИН. Дублиндаги намойиш «Адолатли солиқ системаси жорий этилсин!» деган шиор остида ўтди. Бу намойишда 15 мингдан зиёд киши қатнашди. Намойиш мамлакатда йирик деб ҳисобланган транспорт ишчилари ва малакасиз ишчилар бирлашган касаба союзининг ташаббуси билан ўтказилди. Намойишчилар Ирландия ҳукуматига арзнома топширдилар. Бу арзномада таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатда амалга оширилаётган солиқ системаси аввало ишчилар синфини ва давлат хизматчиларини оғир кулфатларга дучор қилади.

● МАДРИД. Мамлакатнинг энг йирик шаҳарларидан бири—баскалар яшайдиган Сан-Себастьянда Испаниянинг шимоли-ғарбий вилоятлари меҳнаткашларининг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги оммавий ҳаракати давом этмоқда. Неча юзлаб кишилар баскларга автономия беришни ёқлаб чиқанлари учун ҳукм этилган ўз ўртоқларининг турмадан озод қилинишини талаб этиш мақсадида кўчаларга чиқдилар. Шаҳар кўчаларида баррикадалар қурилди. Полиция билан намойиш қатнашчилари ўртасида тўқнашувлар бўлди. Бунинг натижасида жароҳатланган кишилар бор.

(ТАСС, 12 март).



ХИТОЙНИНГ маочи амалдорлари Вьетнам Социалистик Республикасига қарши олиб бораётган ҳозирги агрессияга планли равишда тайёргарлик кўрганликлари ҳақида янги далиллар топилмоқда. Вьетнам территориясида ўлдирилган Хитой солдатлари ёнидан вьетнамча-хитойча луғатлари топилди. Луғатларни нашрга тайёрлаш ишлари агрессиядан анча илгари бошланган эди.

ВИА—ТАСС телефотоси.

ЭЙНШТЕЙН ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

# БУЮК ОЛИМ



**ЖАҲОН жамоатчилиги асримизнинг энг илғор фани бўлмиш физика соҳасидаги буюк кашфиётларнинг муаллифи, самарали илмий-назарий ижоди билан оламнинг тамомила янги бир физикавий манзарасини яратган улуғ олим Альберт Эйнштейн туғилган кунининг юз йиллигини кенг нишонламоқда.**

А. Эйнштейн ҳаёти зоҳиран воқеаларга унчалик бой эмас. Бўлғуси олим бундан юз йил муқаддам Германиянинг кичик шаҳарларидан бири — Ульмда дунёга келади. Математикага қобилияти бўлса ҳам турмуш тақозоси билан савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланишга мажбур бўлган отаси ҳамда музикадан яхшигина хабардор бўлган онаси Альбертга яхши тарбия беришга интилиб, дастлаб бошланғич мактабга, сўнг эса Мюнхен шаҳридаги гимназияга ўқишга беришади. Аммо, Мюнхенда узоқ ўқишига тўғри келмади, ўтакетган қаттиқ интизом, қўпол куч, зўравонлик негизига қурилган гимназиядаги шароит болалигиданоқ эркин, хотиржам бўлиб ўсган қобилиятли ўсмирга ёмон таъсир қилди. Гимназиядан гўё дам олиб келиш баҳонаси билан бўшатилган Альбертга математика ўқитувчиси бир ҳужжат ҳам топшириб, унда ўз ўқувчисининг фавқулодда математик қобилиятини қайд этган ҳамда уни олий ўқув юртларидан бирининг студенти бўлишга лойиқ, деб топган эди. (Кейинчалик Эйнштейннинг ўзидан туғма илмий қобилияти ҳақида савол беришганда, у камтаринлик билан «Менда ҳеч бир истеъдод йўқ, фақат илмга зўр қизиқиш бор, холос», — деб жавоб берган эди).

Эйнштейн гимназиядалигидаёқ оламнинг тузилиш сирлари тўғрисида кўп бош қотириб, назарий физика ва математиканн пухта ва осон ўзлаштириб олган, табиий фанларни зўр иштиёқ билан ўрганган эди.

1896 йилдан Эйнштейннинг студентлик йиллари бошланди. У Цюрихдаги математика ва физика ўқитувчилари тайёрлайдиган олий политехника билим юртида юқори малакали ўқитувчилардан таълим олди, аксар вақтини физика лабораторияси ва ўтказиб, табиёт, жумладан, физика фанлари ривож топган замонасидаги жаъмики назариялар билан чуқур таниша борди. Галилей, Ньютон ва Кеплер каби буюк ўтмишдошлар унинг севимли устозлари эди.

Гимназияни тугатганидан сўнг у ўқитувчилик қилди, патент бюросида хизматчи сўнг Берн шаҳрида приват-доцент бўлиб ишлади, бу даврларда ҳам ўзини қизиқтирган илмий изланишларини давом эттирди. Унинг қатор тадқиқотлари «Физика анъаналари» журналида босилиб чиқди ҳамда статистик механика соҳасидаги энг муҳим илмий ишлар сифатида юксак баҳоланди.

1911 йилда Эйнштейн ёзган «Оғирлик кучининг ёруғлик тарқалишига таъсири тўғрисида» мақола унга жаҳоний шуҳрат келтирган назария — умумий ва махсус нисбийлик назариясини ишлаб чиқишда дастлабки дебоча хизматини ўтади.

Йирик физик олимлар ва мутахассислар ўртасида кўп йиллар давом этган жуда кўп қизғин мунозаралардан сўнг ниҳоят тан олинган мазкур назария оламнинг умумий физикавий манзарасини тушунишда табиат фанларида зўр бурилиш ясади. Эйнштейн «замонамиз Ньютони» деган номга сазовор бўлди. Буюк олим ҳаётлигидаёқ нисбийлик назарияси ҳақида юзлаб ва минглаб мақолалар, китоблар ва ҳатто... латифалар яратилди.

Кейинчалик Цюрих университети ва политехника олий билим юртида, Прагадаги немис университетида, сўнг Берлин ва Лейден университетларида профессор сифатида лекциялар ўқиш билан банд бўлган, Германияда гитлерчилар таъқибидан қочиб, (у сиртдан ўлим жазосига маҳкум қилинганди) АҚШнинг Пристон шаҳрида яшаган ўн йилликлар давомида Эйнштейн фақат ғениал олимларга хос сабот ва изчиллик билан қатор илмий кашфиётлар устида ишлади.

Эйнштейн кашфиётлари фаннинг гўё энг мавҳум саналадиган назарий соҳалари кейинчалик бевосита йирик-йирик саноат соҳаларига негиз бўлишининг ёрқин далили бўлди. Масалан, модда массаси билан энергияси ўртасидаги нисбийлик назарияси ҳарбий ва тинч мақсадларда атом энергиясидан фойдаланиш учун назарий негиз бўлди.

Эйнштейн фақат буюк олим сифатидагина эмас, балки фалсафий ва аҳлоқий қарашлари, инсонпарварлиги, юксак маънавияти, пок олижаноб қиёфаси, ниҳоят, тинчлик учун, фашизмга, атом қуролини ишлатишга қарши олиб борган кураши билан ҳам замондошларининг зўр ҳурмат-эътиборини қозонди.

Эйнштейн Советлар мамлакатига зўр умид ва ҳайриҳоҳлик билан қарарди. «Мен Ленинни бутун кучини социал адолат учун ўта фидоийлик билан бахш этган инсон сифатида ҳурмат қиламан», — деб ёзган эди у.

Совет олимлари Эйнштейн ғояларини ривожлантириш учун кўп иш қилдилар. СССРда унинг асосий илмий асарлари, хотиралари, мақола ва суҳбатлари, ҳатлари, нисбийлик назариясига оид асарлари нашр қилинган, ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида китоблар чоп этилган. Эйнштейн СССР Фанлар Академиясининг фахрий аъзоси эди.

Буюк олим ва мутафаккир 1955 йил 18 апрель кечаси уйқудалигида, унча узоқ давом этмаган касалликдан вафот этди. Васиятига кўра, ҳеч қандай расмий мотам маросими ўтказилмади, кремациядан сўнг кули очиқ ҳавога сочиб юборилди.

Эйнштейн табиёт соҳасидаги буюк кашфиётлари ва ўлмас ғоялари билан олам ва коинот ҳақидаги қарашларни бениҳоя бойитди. Айни чоғда ундаги «тафаккурнинг зўр қудратигина эмас, балки унинг одамийлиги, назокатлилиги, дилкашлиги ҳам кишилар хотирасида муҳрланиб қолди». (Совет олими Б. Кузнецов).

XX асрнинг бошқа бир буюк физик олими Нильс Бор ёзганидек, Эйнштейннинг олижаноб қиёфаси ҳамиша барҳаёт, илҳомбахш манбадир.

И. СУЛТОНОВ.


# Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
Меҳнат Қизил Байроқ орденли
31-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ўқув йили учун
17 ёшга тўлган ва Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ёшларни

## ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича темир йўл транспортида ишловчи кадрлар тайёрлаб чиқаради:**

**10-синф маълумотида — тепловоз машинистининг ёрдамчиси.**

**Ўқиш муддати — 1 ярим йил. Стипендия — 30 сўм.**

**8-синф маълумоти билан — электровоз ремонти бўйича слесарь, металларни қирқиб совуқ ҳолда ишлов бериш бўйича токарь, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь-механик, тепловознинг механик қисмини ремонт қилувчи слесарь, тепловознинг электр қисмини ремонт қилувчи слесарь, тепловоз ва электровоз машинистининг ёрдамчиси, электр-газ пайвандчи, СЦБ электр монтёри.**

**Ўқиш муддати — 3 йил.**

3 йил муддатли ўқишда ўқувчиларга ўрта махсус таълим ҳақида диплом берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига кириб ўқиш ҳуқуқи берилади.

Ўқувчилар ўқиш даврида армияга чақирилишдан озод этиладилар ва билим юртини битиргач улар яна бир йилгача ҳарбий хизматга чақирилмайдилар.

**Ўқиш даври меҳнат стажига киради.**

Билим юртига қабул қилинганлар бепул овқат, кийимбош билан таъминланадилар.

Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти ходимларига бериладиган ҳамма имтиёзлардан фойдаланадилар, жумладан, Совет Иттифоқининг исталган пунктига бепул темир йўл билети билан бориб-келиш ҳуқуқига эгалар.

**Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:** паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), яшаш жойидан, ота-онасининг иш жойидан справкалар; ариза, автобиография, 8 та фотосурат ,3х4 см.), ўқиш жойидан ёки иш жойидан характеристика, мактабдан медицина картаси ёки справка (286-форма).

Билим юрти адреси: Тошкент 74, Ҳамза райони, Слоним кўчаси (15, 23, 26, 61-автобусларнинг «Замарин» кўчаси, 8, 21, 48, 80 «э»-автобусларнинг «Котельная» бекатлари).

«УЗБЕКХЛОПКОМАШ» бирлашмаси базасидаги
ТОШКЕНТ ШАҲАР
95-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: универсал токарь, фрезерчи, электр-газ пайвандчи, автослесарь, механика-йиғув ишлари слесари, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, штампларни тайёрлаш ва ремонт қилиш бўйича слесарь-асбобсоз.**

**8—10-синф ҳажмида маълумотли йигитлар ва қизлар қабул қилинади.**

**Ўқиш муддати — 1—2 йил.**

**Ўқувчилар 3 маҳал бепул овқат, кундалик ва иш кийимлари билан таъминланадилар. Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.**

**Билим юрти ҳузуридаги кечки-сиртқи ўрта мактаб ишлаб турибди.**

Билим юртини битирганлар олий ўқув юртлари ва техникумларга имтиёзли шартларда қабул қилинадилар.

Билим юртида спортнинг кураш, самбо, футбол, волейбол, картинг турлари бўйича секциялар; фото, техника ижоди, ёғочга ўйиб гул солиш тўгараклари, вокал-инструментал ансамбли ишлаб турибди.

**Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур:** директор номига ёзилган ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисида ҳужжат, характеристика, турар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат.

Мурожаат учун адрес: 700077, Тошкент шаҳар, Куйбишев райони, Владимирский переулоги, 15-уй (4-автобуснинг «Дружба» кинотеатри» бекати). Телефон 66-85-85.


# САВДО ШАҲАРЧАСИ

Яқин-яқинларгача бу ерлар бўм-бўш ётарди. Бинокорлар келишди-ю, гўё теварак атрофга жон киргандай бўлди. Янги очилган Аҳмад Дониш кўчаси бўйлаб қурилиш ишлари кенг кўламда ёйилди. Муҳташам давлат цирки бунёд этилди.

Ҳозир кўчада турна қатор чизилиб турган тўққиз қаватли иморатларда юзлаб оилалар уй тўйлари ўтказишди. Бу ерда янги турар-жойлар билан бир қаторда савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари ҳам бирин-кетин фойдаланишга топшириляпти.

Куни кеча тўққиз қаватли биринчи бинонинг пастки қаватида кўркам универсам магазини очилди. Унинг тўқ қизил тусли плиткалар билан безатилган ташқи деворларидаги кенг ойналардан кўз қамаштирувчи ёруғлик таралиб турибди. Универсамнинг ички ҳовлисида ҳам, ёпиқ вестибюлида ҳам ҳар хил гуллар ўсиб ётибди. Ҳаммаёқ ям-яшил. Ҳаво ҳам, ёруғлик ҳам, ранглар ҳам кишини ўзига ром этади.

Универсамнинг ички ҳовлисидаги ҳовуз ёнида ўтирган Ҳалима Ҳасанова, Ҳабиба Ғаниева, Ирода Ҳамидова, Ирина Ким, Ирина Ларина, Ирина Ларионова, Ирина Ларионова, Ирина Ларионова